


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 5 август, № 159 (7389) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 11 август — якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2019 йил 11 август Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 август

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 5 августдан қисқа муддатли меҳнат таътилида бўлади.

Давлатимиз раҳбари таътилни Ўзбекистон ҳудудида ўтказиши режалаштирилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси**

## ҚОНУННИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 12 июлда қабул қилинган "Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Ишчи гуруҳ йиғилишида Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, илмий доиралар ва фуқаролик жамиятлари институтларининг вакиллари иштирок этди.

Муҳокама жараёнида соғлом авлодни тарбиялаш, миллий генофондни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олгани таъкидланди.

Ишчи гуруҳ аъзолари айтганидек, ушбу қонуннинг мақсади она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш борасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, шунингдек, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига қўйилган талабларга риоя қилинишини таъминлашдан иборат. Хусусан, болаларни озиқлантириш ота-оналарнинг фойдали маҳсулотлар билан меъёрлаштирилган овқатланишини таъминлаш орқали ёш оилани фарзанд туғилишига тайёрлашдан, ҳомиладор аёл, фарзанд кўрган аёл ва туғилган боланинг овқатланишида то у балоғатга етгунига қадар руҳий жиҳатдан ҳамда дори-дармон билан ва тиббий кўмак беришдан бошланади.

Мазкур комплекс ёндашув бола сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан озиқлантирилиши оқибатида нуқсон билан туғилишига таъсир этувчи омилларни камайтириш имконини беради. Бироқ ишчи гуруҳ аъзоларининг фикрига кўра, "Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида"ги қонуннинг матнида бундай комплекс ёндашув инобатга олинмаган. Бундай ҳолатда ушбу қонун болаларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга оид жамоатчилик муносабатларининг самарасиз мувофиқлаштирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ишчи гуруҳ аъзолари халқаро тажрибани ҳисобга олиб, репродуктив ёшдаги аёлларни, ҳомиладор ва эмизикли аёлларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, чақалоқлар ҳаётининг дастлабки кунидан бошлаб тўғри овқатланишига эришиш, фақат она сути билан озиқланадиган болалар сони доимий ошишини, улар соғлом ўсишини, ақлан ривожланишини, гўдаклар ва болалар ўртасида касалликка чалиниш, ўлим кўрсаткичлари пасайишини таъминлаш бўйича асосли таклифлар берди.

— Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари олдига муҳим вазифалар қўйган, — деди Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низомхўжаев. — Улардан бири қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақида. Мазкур қонун ҳам мукаммал бўлиши лозим. Қонунда аёл ҳомиладорлик даврида унга қандай кўмак бериш кераклиги ва гўдакни она сути билан озиқлантирадиганларни қўллаб-қувватлаш ҳақида аниқ гап айтилмаган. Хўш, она сути билан озиқлантирадиган аёл кам таъминланган бўлса, унга қандай имтиёзлар бор? Ўзбекистонда тахминан 80 фоиз аёл боласини она сути билан, қолган 20 фоизи эса қўшимча маҳсулотлар билан озиқлантиради.

Ишчи гуруҳ аъзолари таъкидлаганидек, қонунда кўрсатиб ўтилган она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида назоратни амалга оширувчи ташкилотлар сирасига Хотин-қизлар қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказини киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар фаолиятининг устувор йўналишларидан бири аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, "Соғлом оила — соғлом жамият" концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини комплекс ўрганишдан иборат.

Бундан ташқари, таъкидланганидек, қонуннинг мақсади она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун озиқ-овқат маҳсулотлари учун қўйилган талабларга риоя этилишини таъминлашдан иборатдир. Шунга кўра, қонунни 6 ойдан катта бўлган болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига қўйилган аниқ талабларни назарда тутадиган норма билан тўлдириш керак.

Шунингдек, қонунга гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисидаги нормани киритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

➡ 2

### Анжуман

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этган матбуот анжуманида мактабгача таълим вазири Агриппина Шин, вазир ўринбосарлари, вазирлик бошқарма бошлиқлари журналистлар саволларига атрофлича жавоб қайтарди.*

## Болалар боғчалари қамрови қачон кенгаяди?

Айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида 9774 МТМ фаолият юритмоқда. Уларга 40,5 фоиз 3 — 7 ёшгача бўлган болалар қамраб олинган. Қолган 60 фоиз ўғил-қизларни ҳам болалар боғчаларига жалб этиш ниҳоятда долзарб масала. Қолаверса, оғир шарт-шароитларда фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасалари бор.

Тадбирда жорий йил 8 май куни Президентимиз қарори билан "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" тасдиқланганини, бу ҳар бир шаҳар ва туман кесимида МТМлар сони, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш бўйича аниқ кўрсаткичларни белгилаб берган биринчи ҳужжат бўлгани таъкидлаб ўтилди.

➡ 2

## Эшитгандан кўрган афзал

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган медиа-тур иштирокчилари дастлаб "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасидаги "Сирдарё универсал ойна" корхонасига ташриф буюришди. Бу корхонанинг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, у аллақачон экспортчи корхоналар қаторидан жой олганлиги журналистларга маълум қилинди. Бу ерда фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Хом ашёсининг юз фоизи ўзимизники ҳисобланади. Айни чоғда у дори-дармон саноати учун қадоқлаш воситалари тайёрланаётган юртимиздаги ягона корхона ҳам экан.*

### Медиа-тур

Эркин иқтисодий зонанинг қалдирғоч саноат субъекти саналадиган "Пенг-Шенг" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида медиа-тур иштирокчилари янада қизиқарли маълумотларга эга бўлди. Эндиликда ҳам ишлаб чиқариш, ҳам қишлоқ хўжалиги йўналишларида фаолият юритаётган мазкур саноат мажмуасига ёндош ҳудудда барпо этилган "Ўзбекистон — Хитой дўстлик боғи" ва унга туташ мактабгача таълим муассасаси, савдо, овқатланиш шохобчалари, кўргазмалар зали — буларнинг барчаси ҳудудни обод ва файзли манзилга айлантирган.

Ҳозир "Пенг-Шенг"да тайёрланаётган кафеллар бир неча мамлакатга экспорт қилинмоқда. Сантехника, чарм-пойабзал ва бошқа маҳсулотларга бўлган талаб ҳам ортиб бораётир. Инновацион технологияга катта эътибор қаратилаётганлиги бу борада асосий омил бўлмоқда.

➡ 2

# БИЗ ва ЖАҲОН

## Татаристон телеканали Қўқонда ўтадиган фестиваль ҳақида кўрсатув берди

Татаристондаги энг йирик «ТНВ-Татаристан» телеканалида Қўқон шаҳрида шу йил 10 — 15 сентябрь кунлари ташкил этиладиган I халқаро ҳунармандчилик фестивали ҳақида кўрсатув эфирга узатилди.

Унда мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётгани алоҳида эътироф этилган. Фестивалда уч мингдан ортиқ маҳаллий ҳунармандлардан ташқари, дунёнинг 70 дан зиёд давлатларидан қарийб уч юз нафар хорижлик уста ва мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда.

Халқ амалий санъати ва маданияти форуми доирасида маҳорат машғулотлари, фольклор-этнографик кўргазмалар, турли халқ ўйинлари, маҳаллий дизайнерлар мода намойишлари, театрлаштирилган томошалар, пазандалик танловлари, ҳунармандчилик ярмаркалари, спорт мусобақалари, гала-концертлар, илмий-амалий конференциялар ва миллий-маданий мазмунга бой бошқа тадбирлар уюштирилади.

Репортажда Ўзбекистоннинг Қозон шаҳридаги Бош консули Ф. Насриев ҳам бўлажак халқаро фестиваль ҳақида гапириб берган.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

## АҚШдаги йирик ННТ Оролбўйи ҳудудига замонавий тиббиёт воситалари етказиб беради

*Ўзбекистонлик дипломатлар АҚШнинг Филадельфия шаҳри Вест-Грув округида "Project CURE" ("Commission on Urgent Relief and Equipment") бўлими директори Кэти Хренко ва ушбу ноҳукумат ташкилот вакиллари билан музокаралар олиб боришди.*

Мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси хабарига кўра, учрашув чоғида Оролбўйи ҳудудидаги вазият, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидаги шифохоналар ҳамда тиббиёт муассасаларини Американинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 1987 йилда асос солинган "Project CURE" тиббиёт масканлари учун ускуналар, инвентарлар ва махсус мебеллар етказиб беришни ташкил этиш йўли билан ривожланаётган давлатларга гуманитар кўмак кўрсатишга ихтисослаштирилган. Маъмурий қароргоҳи Колорадо штати Денвер шаҳрида жойлашган. АҚШда олтита офиси ҳамда омборхона иншоотлари мавжуд. Инсонпарварлик мақсадларида тиббиёт ускуналари етказиб бериш бўйича дунёдаги энг йирик таъминотчи ҳисобланади. Мазкур ташкилот фаолияти жами 135 та давлатни қамраб олган. Унда 20 мингдан зиёд кўнгиллилар ишлайди.

➡ 2

«Human Rights Watch» вакили:

## «Жаслиқ» қамоқхонасининг ёпилиши, шубҳасиз, жуда ижобий янгилик бўлди»

*Маълумки, давлатимиз раҳбари шу йил 2 август куни "Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида"ги қарорни имзолади.*

*Мазкур ҳужжат озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атворни, жамиятга ҳурмат муносабатини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ давлатимизнинг халқаро ареналарда ижобий мавқеини илгари суриш мақсадида қабул қилинди.*

*Хўш, ҳам халқимиз, ҳам халқаро ҳамжамият орасида "Жаслиқ" номи билан маълум ушбу колонияни ёпишга оид қарор халқаро жамоатчилик томонидан қандай кутиб олинди?*

*Қуйида хорижлик эксперт ва сиёсат доиралари айрим вакилларининг бу воқеликка муносабатини келтириб ўтамиз.*



**Хусусан, "Human Rights Watch" ташкилотининг Марказий Осиёдаги вазиятни ўрганувчи вакили Стив Свердлов "Америка овози" телерадиосига берган интервьюси ҳамда "Twitter"даги саҳифасида ўз фикрларини баён этди.**

"Ўзбекистон Президенти "Жаслиқ" қамоқхонасини ёпишга қарор қилгани, шубҳасиз, жуда ижобий янгилик. "Human Rights Watch" бу қадамни бағоят олқишлайди, — дейди у. — Аҳамиятли жиҳати шундаки, БМТ ва кўплаб ҳуқуқ ташкилотлари деярли 20 йилдан буён "Жаслиқ"ни ёпишга ундаб келаётган эди. Сабаби бу зонада кўплаб маҳбуслар аянчли қийноққа солингани ҳақида биламиз. Колониядаги шароит халқаро меъёрларга жавоб бермас эди. Шу боис "Жаслиқ" ёпилаётгани — тўғри қарор".



**АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Памела Спратлен ҳам бу ҳақда тўхталиб ўтди:**

"Жуда муҳим қарор! Зеро, "Жаслиқ" тўлиқ ёпилар экан (қайта умуман очилмайди), бу ўтмиш билан бўлган алоқаларни узиш учун ўта кучли ва зарур белгидир. Янги Ўзбекистон учун бундай масканлар керак эмас ва энг муҳими, ҳукумат буни тушунади".

Айни чоғда чет эллик экспертлар, ҳуқуқ ҳимоячилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар, дипломатлар Ўзбекистоннинг мазкур муҳим қадамини эътироф қилишда давом этишар экан, "Жаслиқ"нинг тугатилиши мамлакат учун катта ва ижобий янгилик эканлиги, республиканинг жаҳон майдонидаги имижини ошириш ва мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнашини таъкидлашмоқда.

**С. МАХСУМОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# ҚОНУННИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

1 Парламентнинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган мазкур қонунни такомиллаштириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар томонидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича қоидаларни татбиқ қилишнинг аниқ механизмлари кўрсатилиши таклиф этилди. Бундан ташқари, ушбу қонундан “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунларда ўз аксини топган, такрорланаётган нормаларни чиқариб ташлаш лозим.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси бош мутахассиси Абдураҳмон Рауповнинг таъкидлашича, қонуннинг 10 ва 11-моддаларини олиб ташлаш керак. Чунки янги таҳрирдаги “Реклама тўғрисида”ги қонун лойиҳасида ушбу моддаларда билдирилган фикрлар ўз аксини топган.

— Қонунда она сути билан озиқлантиришга тегишлича эътибор қаратилмаган, — деди Адлия вазирлиги етакчи мутахассиси Маъруфжон Усмонов. — Масалан, она бирор жойда ишлаши, талаба бўлиши мумкин. Маълумотларга қараганда, аёл боладан узоқлашса, она сути камаяди. Шундай ҳолатларда уларга имтиёз бериш керак. Тўғри, туғуруқ даврида онага декрет пули берилади. Бу она боласини 3 ёшга тўлгунга қадар парваришлаши учун берилади ва иш жойидан меҳнат таътилига чиқарилади. Назаримда, она сути билан озиқлантирганлиги учун ҳам алоҳида имтиёз берилиши керак.

— Мен бу фикрингизга қўшилмайман, — деди Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Педиатрия кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Севара Убайдуллаева. — Онанинг вазифаси болани кўкрак сути билан озиқлантириш. Бу табиат қонуни, уларга ортиқча имтиёз бериш керак эмас. Она сути билан озиқлантириш мумкин бўлмаган ҳолатлар бор. Кимлар гўдакни она сути билан озиқлантирмаслиги мумкинлигини шифокор белгилаб бериши ва бу қонунда ўз аксини топиши керак.

Ишчи гуруҳ аъзолари ҳудудий манфаатлар ва кенг жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда мазкур қонунни чуқур ўрганиш бўйича ишларни давом эттирмоқда.

**Хуршид ҚОДИРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШДА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ БЕЛГИЛАНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги қонун депутатлар томонидан қабул қилинди. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш зарурати бир қатор омилларга боғлиқ бўлди.*

## Депутат минбари

Биринчидан, мамлакатимизда атом энергиясидан фойдаланишни тартибга солувчи махсус қонун мавжуд эмас эди. Бу жараённинг айрим жиҳатлари “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги ва “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинган. Иккинчидан, Ўзбекистон “Ишлатиб бўлинган ёқилғи ҳамда радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисида”ги Конвенция (1997 й.), “Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликнинг асосий принциплари тўғрисида”ги Битим (1992 й.) ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги бошқа халқаро ҳужжатлар иштирокчиси ҳисобланади ва уларнинг қоидаларини имплементация қилиш бўйича мажбуриятларни олади (1963 йилдаги “Ядровий зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида”ги Вена конвенциясини ратификация қилиш режалаштирилган).

Эътиборлиси, мазкур қонун атом энергиясидан фойдаланишни таъминлаш тизими учун ҳуқуқий асосларни яратиш, атом энергияси тўғрисидаги амалдаги барча меъёр ва қоидаларни унификациялаш, уларни Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро мажбуриятлар билан мувофиқлаштириш, атом энергиясидан фойдаланишда юридик шахс ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қонунчиликка хорижий давлатларнинг энг самарали тажрибаси ҳамда механизмларини жорий этишни назарда тутади.

Атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, рухсатномалар бериш, атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати, ядро қурилмаси хавфсизлигини даврий баҳолаш, сақлаш пунктлари бўйича тартиблар қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Шу билан бирга, атом энергиясидан фойдаланиш объектларини эксплуатация қилиш, давлат ҳисобини ва ядровий материаллари назоратига оид нормалар ҳам киритилган.

Мазкур қонунни пишиқ-пухта ҳолга келтириш мақсадида депутатлар хорижий мамлакатлар тажрибасини атрофлича таҳлил қилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Россия Федерацияси, Япония ва Венгриянинг атом энергетикаси соҳасидаги илғор тажрибаларини ва қонунчилик базасини жойига бориб ўрганди. Депутатлар бевосита Россия Федерациясидаги “Нововоронеж-2”, Япониянинг “Токай-2”, Венгриянинг “Пакш-1” атом электр станцияларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан бевосита танишди. Тегишли мутасадди ташкилот ва агентликлар раҳбарияти билан мулоқотлар олиб борди.

Халқаро тажрибани ўрганиш натижаларига кўра, қонунни ишлаб чиқишда илғор давлатларнинг энг ишончли ва мақбул қонунчилик амалиёти қўлланилди. Хусусан, бошқа барча фаолият кўрсаткичлари устидан қатъий хавфсизлик ҳуқуқий талаблари ўрнатилди, атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик талабларининг асосий ва бошқа принциплари аниқлаштирилди. Соҳадаги барча фаолият турлари белгилаб олинди, фуқаролар учун атом энергиясидан фойдаланиш ҳақида тўлиқ маълумот олиш кафолатлари таъминланди, эксплуатация этувчи ташкилотнинг хавфсизлик бўйича қатъий масъуллиги ўрнатилди.

Мазкур қонун атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, уни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилади. Атроф-муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг салбий таъсиридан муҳофазалаш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш тизимини шакллантириш ҳамда авария ҳолатларининг пайдо бўлиш хавфини минималлаштириш мақсадида атом энергиясидан фойдаланишда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишга ҳуқуқий асос бўлади.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,**
**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



«Буюк аждодларнинг муносиб ворисларимиз».

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ сурат-лавҳаси.

# АҚШдаги йирик ННТ Оролбўйи ҳудудига замонавий тиббиёт воситалари етказиб беради

1 Музокаралар давомида АҚШдаги ННТ мутасаддилари Оролбўйи ҳудудидаги тиббиёт муассасалари салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирдилар. Чунончи, улар Қорақалпоғистонга барча зарур воситалар билан жиҳозланган операция столлари, койкалар, гемодиализ аппаратлари, ультратовушли текшириш ускуналари (УЗИ), рентген сканерлари, янги туғилганлар учун интенсив терапия инкубаторлари, ногиронлик ўриндиқлари, дефибрилляторлар, лаборатория мосламалари, тиббий кислород баллонлари ва бошқа воситаларни етказиб беришмоқчи эканликларини таъкидлашди.

Элчихонамиз вакиллари омборхона иншоотларига ҳам ташриф буюриб, “Project CURE” тасарруфидаги илғор тиббий асбоб-ускуналар билан танишди. Шу аснода олиб келиниши режалаштирилаётган воситалар сифати ва техник кўрсаткичлари ҳам ўрганилди.

**С. ҚОСИМЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# Озарбайжонлик мутахассислар Хонободда 1000 та дала-ҳовли қуради

*Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 16-17 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Хонобод шаҳрини сайёҳлик масканига айлантириш юзасидан ўз таклиф ва кўрсатмаларини берганди.*

## Ҳамкорлик

Шунга мувофиқ, Хонтоғ қир-адирларидаги 30 гектар ҳудудда 2 сотиҳдан иборат дала-ҳовлилар барпо қилишга киришилди. Ушбу эзгу ташаббусга озарбайжонлик мутахассислар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар замонавий лойиҳалар асосида яна 1000 та замонавий дала-ҳовли бунёд этишмоқчи.

— Хонобод бетакрор табиати билан сайёҳларга манзур бўлишига ишончим комил, — дейди Озарбайжон Республикасининг “СТС Холдинг Баку” компанияси директори Аббос Ниязов. — Биз қурадиган дала-ҳовлилар Европа услубида бўлиб, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Бу эса ҳудудга дунёнинг турли нуқталаридан ташриф буюрадиган сайёҳларни жалб этиш имконини беради.

Айни пайтда озарбайжонлик мутахассислар иштирокида барпо этиладиган маскан учун 60 гектар майдон ажратилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## «Ҳаж — 2019»

# Маккада ўзбекистонлик ҳожилар учун тиббиёт маркази ташкил қилинди

**«Халқ сўзи» махсус мухбири Саид РАҲМОНОВ Саудия Арабистонининг Макка шаҳридан хабар қилади.**

Ўзбекистонлик зиёратчиларнинг охирги гуруҳлари ҳам ҳаж амалини бажариш учун Саудия Арабистонига соғ-саломат етиб келдилар. Ишчи гуруҳи томонидан 7200 нафар ҳамюртимизга муқаддас икки шаҳарда ибодатларни рисоладагидек бажариб, ҳожи мақомига эга бўлишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Хусусан, уларга сифатли ва тезкор тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Макка шаҳрида тиббиёт маркази ташкил этилди.

Дарҳақиқат, “Ҳаж — 2019” мавсумида ҳар бир зиёратчига ўз вақтида тегишли тиббий маслаҳат бериш ҳамда зарур муолажаларни амалга ошириш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ўзаро келишувга ҳожилар билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдикки, ҳали бирор-бир мамлакат зиёратчилар учун меҳмонхонанинг ўзида тиббий хизматни йўлга қўймаган. МДҲ мамлакатларининг аксариятида эса бу йилдан бошлаб шифокорлар жалб этилаётган экан.

— Биз, ўзбекистонлик ҳожилар давлат кўмагини ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз, — дейди тошкентлик отахон Шукрулло Ғаффоров. — Ташкилотчилик ишлари намунали даражада. Айниқса, кўрсатилаётган тиббий хизматлардан ҳамма мамнун. Тўғри, бу ерга келишдан олдин барча кўрикдан ўтказилган, саломатлиги жойида. Аммо иқлим, об-ҳаводаги ўзгаришлар ҳаммага ҳар хил таъсир қилар



эришилган. Унга кўра, муборак сафар олдидан ҳамма чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган эди. Сафар давомида эса 35 нафар малакали шифокор ҳожиларга туну кун хизмат кўрсатиш учун жалб этилди.

Шифокорлар гуруҳи раҳбари Алишер Соатовнинг айтишича, 40 ўринга мўлжалланган мазкур марказга 140 миллион сўмлик дори-дармон ҳамда зарур тиббий воситалар етказиб берилди.

— Бизнинг ҳожилар учун яратилган шарт-шароитларга кўпчилик ҳавас билан қарашмоқда, — дейди Алишер Соатов. — Масалан, Саудия Арабистони Ҳаж вазирлиги томонидан зиёратчиларга хизмат кўрсатиш борасида энг юқори ўринларда дея эътироф этилаётган Туркия давлати ҳам Макка шаҳридаги бирор шифохонани ижарага олади. Бизда эса бевосита меҳмонхонанинг ўзида бу хизмат ташкил этилган. Унинг ибодатчилар учун қулай томонлари кўп. Тиббий ёрдамга эҳтиёж сезганда, йўл босиб юришга ҳожат йўқ. Шифокорларимиз ўша заҳоти кўмак беришади.

Чиндан ҳам, дунёнинг турли бурчакларидан келган экан. Чунки зиёратчиларнинг аксарияти ёши улуғ кишилардан иборат. Шифокорлар гуруҳида тор доирадаги мутахассислар ҳам борлиги уларга яқиндан кўмак бериш, соғлиғини тезда мустаҳкамлаб олишида айни муддо бўлмоқда.

Тиббиёт марказининг 20 ўрни аёллар учун мўлжалланган бўлиб, уларга 10 нафар аёл шифокор томонидан хизмат кўрсатилмоқда. Тиббиётчилар гуруҳи томонидан эса ҳожилар билан суҳбатлар ўтказилиб, бу йилги ҳаж мавсуми йилнинг нисбатан иссиқ пайтига тўғри келгани, бундай кезларда офтоб уришидан сақланиш, кўпроқ суюқлик ичиш, соябон тутиб юриш зарурлиги ҳақида тушунчалар берилмоқда. Аммо ортиқча хавотирланишга ҳожат йўқ. Чунки соҳа мутахассисларининг айтишича, Макка шаҳрида об-ҳаво кўп йиллик меъёрлардан юқори эмас. Айни пайтда Ўзбекистондагига нисбатан яқин ҳарорат кузатилмоқда — 43 даража иссиқ.

Юртимиз зиёратчилари ҳажнинг навбатдаги фарзи бўлмиш Мино водийсига чиқиш, Арофатда туришга ҳозирлик кўришмоқда.

# Эшитгандан кўрган афзал




1 Хусусан, сенсорли эшик қулфларининг янги модели яратилди. Ушбу янгилик туфайли уй эгаси ва унинг оила аъзолари қулфни қўл бармоғи билан очишлари мумкин. Яъни бармоқ излари қулф “хотираси”га киритилса бас, у дарҳол очилади. Маълум қилишларича, ҳозирча бу маҳсулотлар тажриба-эксперимент тариқасида савдога йўнатирилади, талаб юқори бўлса, катта миқдорда ишлаб чиқаришга киришилади. Шунингдек, журналистлар “Пенг-Шенг”нинг замонавий усулдаги иссиқхонаси ҳамда қўшқатор экилган ва томчилатиб суғориш технологияси асосида парваришланаётган ғўза майдонида ҳам бўлди. Билдиришларича, қўшқатор усулида бир гектарга 30 минг туп кўчат жойлаштириш имконияти бор. Яна бунда агротехника тадбирларини бажариш учун далага трактор киритишга ҳожат йўқ. Дала соҳиблари гектаридан 50 центнердан кам ҳосил олмаймиз дейишди ва уларнинг бу гапи айни пайтда ҳар туп ғўзада ўртача 50 — 54 та ҳосил нишонаси борлиги билан ҳам ўз исботини топди.




Тур давомида Сайхунобод тумани марказида — Сайхун шаҳарчасида “Сайхун планет” МЧЖ томонидан туман ҳокимлиги кўмагида қурилган замонавий хизмат кўрсатиш мажмуаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бу ерда айни пайтда Президентимизнинг 5 муҳим ташаббуси доирасида салмоқли ишлар бажарилган. Хусусан, мажмуанинг биринчи қаватида савдо комплекси, иккинчи қаватида эса болалар ўйингоҳи ва иккита жами 80 ўринли кинозал ишлаб турибди. Яқин кунларда давлат хизматлари маркази ва Халқ қабулхонаси ўз фаолиятини бошлайди.

Шунингдек, Хотира хиёбони ва замонавий “Китоб олами” савдо мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Президентимиз ташаббуси билан жадал қад ростлаётган “Ховос сити” медиа-тур йўналишининг марказий манзилларидан бири бўлди. Айни пайтда янги шаҳарчада 30 та замонавий бино қуриляпти. Бу ҳудудда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида боғча, мактаб ва тадбиркорлик объектлари ҳам бунёд этилади.

Журналистлар, шунингдек, Мирзаобод туманида 5 муҳим ташаббус ижроси доирасида очилган IT-ахборот технологиялари маркази, Гулистон шаҳридаги “Буюк келажак” массиви, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби, “Бук кафе” китоб дўкони ва бошқа манзилларда ҳам бўлишди.

Медиа-тур дастури доирасида Сирдарё вилояти ҳокими журналистлар билан учрашди. У вилоят марказида яқинда фойдаланишга топширилган, миллий меъморий услубда қурилган меҳмонларни қабул қилиш биносида ўтказилди.

Учрашув якунида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, кенг кўламли ислоҳотларни ёритиш, уларнинг моҳиятини аҳолига етказишда журналистларнинг ижодий меҳнати муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Болалар боғчалари қамрови қачон кенгаяди?

1 Концепцияда 2021 йилга бориб янги боғчалар очиш, давлат-хусусий шериклик асосида ҳамда чекка ҳудудлар учун долзарб бўлган мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини ташкил этиш ҳисобига улардаги ўринлар сони 56,8 фоизгача кўпайтирилади. 2030 йилда эса бу рақам 132,3 фоизга етказилади.

Яна бир оғриқли масала — айни пайтда МТМларда ишловчи педагогларнинг бор-йўғи 31 фоизи олий маълумотга эга. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарорида айни шу масала ечимига алоҳида эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, айни мақсадда бакалавр босқичининг кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларига жами 6400 дан зиёд квоталар ажратилди.

Матбуот анжуманида Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам журналистларга маълумот берилди.

**«Халқ сўзи».**

# «Нон шаҳри»да қадр топган ижодкор

*Замондошлик, дарддошлик, умумий муҳит қалам аҳлини янада яқинлаштириши, қалб ва руҳларини пайванд қилиши, бир жону бир танга айлантириши бор гап.*

Маънавият



Беларусь халқининг улуғ шоири Якуб Колас шеърларини ўқир эканмиз, бу ҳақиқатга қайта ва қайта амин бўламиз.

*“Мен билмайман,*
*қандай сеҳри бор,*
*Кўз ўнгимдан кетмас,*
*аврагай —*
*Ялангликда қаққайиб турган,*
*Қуриётган танҳо қарағай...”*

деб ёзади Якуб Колас “Ўзим ҳам билмайман” деб номлаган, 1909 йилда ёзган шеърида. Яъни Ватаннинг ҳатто қуриётган қари қарағайини ҳам чексиз муҳаббат билан ардоқлашини баён қилади шоир ва бунинг сабабини ўзим ҳам билмайман, дея Беларусь тупроғини ўпиш учун тиз чўкади.

Она Ватани — Беларусга нисбатан муҳаббати бир умр унинг қалбида ёлқинланиб, ўтли шеърлар ёзишига сабабчи бўлса-да, яна бир ўлка унинг меҳрини қозониб, сўнгги нафасигача юрагини иситиб турди, бу серқуёш юртимиз — Ўзбекистон эди!

Фашистлар қўшини шўро иттифоқи чегарасини ҳатлагандан икки ойча ўтгач, аниқроғи, 1941 йил 14 август куни тақдир чархпалаги Якуб Коласни ўзбек заминига олиб келади.

Давр шундай мураккаб эди. Уруш миллионлаб одамларнинг тинчини бузган, ҳар куни эшелон-эшелон халқ Тошкентга — нон ва тинчлик шаҳрига нажот, ёруғлик истаб талпинарди. Шундай оғир дамда ҳам беларусь халқининг истеъдодли фарзанди ўзбек тупроғида қадр топди: Якуб Коласга Ўзбекистон ҳукумати томонидан шахсий нафақа тайинланади, Тошкент марказидан шинамгина хонадон ажратилади.

Якуб Коласнинг Тошкентдаги ҳаёти жуда қизғин кечади. Давомли ижтимоий-маданий тадбирлар, адабий учрашувлар, турли бадиий кечаларда шоир ўз истеъдоди ва инсоний фазилатларини кенг намойиш қилиб, халқимизнинг, ўзбек зиёлиларининг меҳрини қозонади. Хусусан, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ғафур Ғулом, Миртемир каби ижодкорлар Якуб Коласнинг доимий суҳбатдошларига, маслакдошларига айланади.

У Тошкентда яшаган икки йил давомида баракали ижод қилади. 1941 йилнинг ўзидаёқ унинг “Яқинларимга”, “Партизан қабри устида”, “Она Ватан ҳимоячиларига”, “Курашчи халққа”, “Оғир дамларда” каби ўнлаб шеърлари яралиб, турли нашрлар орқали шеърият мухлисларига етиб боради. Кўп ўтмай, шоирнинг “Танланган шеърлар” тўплами ҳам ўзбек тилида чоп этилади.

Якуб Колас ижодини тадрижий ўргансак, кўз олдимизда бир ҳолат намоён бўлади: ижоди бошида лирик оҳангларда куйлаган шоир уруш йилларида қаламини “қурол”га айлантиради, яъни душманга нафрат туйғуси билан суғорилган, халқни руҳлантирувчи шеърлар ёза бошлайди. Ўша дамларда Ҳамид Олимжоннинг “Қўлингга қурол ол”, Ғафур Ғуломнинг “Сен етим эмассан” каби шеърлари ҳам қўлма-қўл ўқилганини, одамларнинг жароҳатли қалбига малҳам бўлганини эсласак, шоирнинг сўзи босқинчининг қуролига қарши турганини ҳис қиламиз ва буюк Ғалабада ижодкорларнинг ҳам бемисл ҳиссаси бўлганини эътироф этамиз.

Ана шундай масъулиятли, оғир йилларда ҳам шоир қалбини Тошкент ўзининг тафти, гўзаллиги билан ром этади. Якуб Коласнинг ўша йиллари ёзилган “Солор”, “Чимён”, “Ўзбекистонга” номли шеърларида ана шу самимий меҳр-муҳаббат балқиб туради.

Энг муҳими, бу юксак эътироф ва миннатдорлик — биргина Якуб Коласнинг эмас, у билан биргаликда Тошкентга келган, машъум уруш йилларида Ўзбекистондан паноҳ топган барча беларусь дўстларимизнинг дил сўзлари эди.

Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган халқаро конференциянинг очилиш маросимига табрик йўллаган Беларусь Республикаси ахборот вазири Александр Карлюкевич ўз номасида халқимизнинг азиз дўсти бўлган шоирни ҳам эсларкан, жумладан, шундай ёзган эди: “Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент Якуб Коласнинг она шаҳрига айланганди. Ўзбекистон пойтахтида ҳатто уруш йилларида ҳам унинг китоблари чоп этилган. Ўшанда шоирга, энг аввало, ўзбек адиблари ёрдам қўлини чўзган эдилар...”

Ҳақиқатан ҳам, Якуб Колас — нафақат беларусь, шунингдек, ўзбек адабиёти тарихида ҳам ёрқин из қолдирган шоир. Унинг бетакрор ижоди ва албатта, Ўзбекистонга бўлган оташин муҳаббатини ҳисобга олиб, ўтган йили Якуб Коласнинг “Қадрдон қўшиқлар” деб номланган шеърлар тўплами ўзбек тилида чоп этилди. Устозларимиз томонидан аввал таржима қилинган шеърлар сафига янги таржималар қўшилди — замонавий ўзбек шеърияти вакиллари, таниқли ва ёш таржимонлар Якуб Колас шеърларини она тилимизга ўгирдилар.

Шунингдек, ўтган йили Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг юртимизга ташрифи арафасида пойтахтимиз марказидаги сўлим майдонда Якуб Коласнинг бюсти очилди — шоир яна ўз қадрдонлари ёнига қайтгандек бўлди.

Адабиёт, чинакам ижодкорлар халқларни ўзаро яқинлаштиришига, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашига шу кунларда яна бир бор гувоҳ бўляпмиз: Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Беларусга ташрифи олдидан Минск шаҳрида улуғ бобомиз Алишер Навоий бюстининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Қандай яхши! Биз Тошкентда Якуб Коласга, беларусь қардошларимиз Алишер Навоий бобомизга эҳтиром кўрсатиб, ўзаро садоқатимизга, хайриҳоҳлигимизга, дўстлигимизга таъзим қилгандек бўлиб турибмиз.

Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиб кетмасак бўлмайди: сўнгги йилларда биз билан ўзаро борди-келди қилаётган дўстларимиз орасида беларуслик зиёлилар анча фаол. Улар тадбирларимизда иштирок этиш билан бирга, ўзлари ҳам турли анжуманлар ташкил қилиб, ўзбек ёзувчи ва шоирларини таклиф этишмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 1-2 сентябрь кунлари ҳам Иваново шаҳрида бўлиб ўтган Беларусь ёзуви кунига бағишланган анжуманда бир гуруҳ адибларимиз қатнашиб келган эди.

Айни шу кунларда исмини юқорида қайд этганимиз Александр Карлюкевичнинг “Шубуршун ва унинг дўстлари” китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланиб, илк нусхалари қўлимизга тегиб турибди. Рисолат Ҳайдарова томонидан ўзбек тилига ўгирилган бу эртак-қисса ёш китобхонларимиз учун яхши туҳфа бўлади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, уюшма томонидан “Сўз чамани” рукнида чоп этилиши режалаштирилаётган ихчам китоблар рўйхатида мақоламиз қаҳрамони — Якуб Коласнинг тўплами ҳам борлиги кўнглимизга қувонч бағишлайди.

Қисқача айтганда, бундан салкам саксон йил олдин Якуб Колас ижоди асосида шаклланган беларусь — ўзбек адабий кўприги бугун катта адабий йўлга айланиб кетди, десак, айни ҳақиқат.

Бу ёруғ ва донғил йўлда, шубҳасиз, ўзининг самимий ва ўтли шеърлари билан Якуб Колас доимий ҳамроҳимиз, ҳамрозимиз бўлиб қолаверади...

**Нодир ЖОНУЗОҚ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари.**

# Корхоналарни модернизация қилиш зарурлиги таъкидланди. НЕГА?

*Ўзбекистон Экологик партияси ташаббуси билан “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамияти ва “Тошкент труба заводи” масъулияти чекланган жамияти фаолиятининг корхонага туташ ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсири ҳолатига бағишланган жамоатчилик эшитуви ташкил этилди.*

Жамоатчилик назорати

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзгидромет” маркази, Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳрининг Сергели тумани ҳокимлиги мутасаддилари, Экоҳаракат фаоллари, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, экологик муаммоларнинг ечимида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган мақсадли дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва уларнинг ижроси, шунингдек, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси, экологик ҳолатни яхшилаш ва экотизимни сақлашга йўналтирилган инвестициявий лойиҳалар муҳим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик эшитуви доирасида ушбу корхоналар фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Бу бежиз эмас. Чунки уларда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича инвестициявий лойиҳалар ва дастурларга етарлича эътибор қаратилмаган. Шу билан бирга, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг манбалари назоратида автоматлаштирилган тизим ташкил этилмаган. Саноат чиқиндиларини утилизация қилиш ҳамда оқоваларни канализация тизимига улаш масалалари ҳал этилмаган. Корхоналарга туташ ҳудудларда яшовчи аҳоли саломатлиги масалалари ҳам эътибордан четда қолган. Гап шундаки, партия фаоллари томонидан мазкур корхоналарнинг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш мақсадида 367 респондент иштирокида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ҳудудда 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида яшовчи фуқароларнинг 55,8 фоизи корхоналар фаолияти атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, деган фикрни билдирган. Респондентларнинг 95,4 фоизи эса корхоналар фаолиятининг инсон саломатлигига салбий таъсирини сезишган. Шунингдек, сўралганларнинг 98,6 фоизи корхонани қайта ихтисослаштириш ёки илғор тажрибаларни инобатга олган ҳолда замонавий, экологик тоза технологияларни қўллаш орқали тубдан модернизация қилиш таклифини беришди.

Бундан ташқари, тизимли равишда ўтказилган таҳлилий тадқиқотлар ва экологик рейдлар натижасида “Тошкент труба заводи” масъулияти чекланган жамиятига яқин ҳудудларда атмосфера ҳавосида олтингугуртли водород рухсат этилган меъёрдан 25 баробар, азот диоксиди 22,4 баробар, аммиак 6 баробар, фторли водород эса 4,2 баробар кўп эканлиги аниқланди.

Худди шундай ҳолат “Ўзиккиламчиранглиметалл” акциядорлик жамиятига ҳам тегишлидир.

Жамоатчилик эшитуви якунида иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида икки корхона фаолиятининг атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсирини камайтириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш бўйича мажмуавий тадбирларни ўз ичига олган тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилот ва муассасаларга тақдим этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Илм-фан

*Инновацион ривожланиш вазирлиги Беларусь Республикаси билан ҳамкорликда олимларимиз ўртасида илмий-техник муносабатларни ривожлантириш, улар томонидан эришган илм-фан ютуқлари ва технологиялар трансфери учун кенг имконият яратиш борасида изчил иш олиб бормоқда.*

# «Ноу-хау»лар тараққиёт хизматида

Хусусан, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ҳамкорлигида Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти базасида иккита қўшма лаборатория фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, илмий-техник ҳамкорлик доирасида умумий қиймати 15 млрд. сўмдан ортиқ қўшма лойиҳаларга старт берилди. Булар энергия тежамкор, тиббий, фармакология, нано ва био, лазерли технологиялар, композицион материаллар ҳамда қишлоқ хўжалиги технологиялари каби йўналишларни қамраб олади.

Айни кунларда мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг 100 нафар ёш олими Беларусь Республикасининг нуфузли таълим даргоҳларида илмий стажировка ўтамоқда. Бунда Беларусь миллий фанлар академияси, Беларусь давлат университети, Беларусь миллий техника университети, Беларусь тиббиёт академияси вакилларимиз томонидан энг кўп танланган муассасалар ҳисобланади. Бир пайтнинг ўзида олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарлари Беларусь Республикасида тажриба алмашмоқда.

Келгусида мамлакатларимиз ўртасида илм-фан ва инновация соҳасида муносабатларни янада ривожлантириш, «ноу-хау»лар ҳамда илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш, илм-фан ва саноат интеграциясини таъминлаш, технопарклар ташкил қилиш каби ўзаро манфаатли саъй-ҳаракатларни биргаликда амалга оширмоқчимиз.

**Набижон ХОЛОВ,**
**Инновацион ривожланиш вазирлигининг Халқаро грантлар ва аккредитация бўлими бош мутахассиси.**

# Гепатитнинг В ва С турларини бартараф этиш учун «CDAF» фонди жалб қилинди

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бугун дунёда 257 миллион одам вирусли гепатитнинг В туридан, 70 миллион одам эса С туридан азият чекмоқда. Ўзбекистоннинг қайси ҳудудида бу касаллик кўпроқ кузатиляпти? Уларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?*

Саломатлик



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Вирусология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида мамлакатимизда гепатит касаллиги тарқалишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган анжуманда бу борада атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қайд этилганидек, гепатит В ўз вақтида даволанмаса, жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома, яъни жигар саратони келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг соғлиғини асраш, гепатит касалликларининг олдини олиш мақсадида АҚШнинг “Centerfor Disease Analysis Foundation” (“CDAF”) фонди билан ҳамкорликда 2019-2020 йилларга мўлжалланган махсус лойиҳа ишлаб чиқилди.

Анжуманда мазкур лойиҳа доирасида пойтахтимиздаги тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди. Таъкидланишича, Тошкент шаҳрининг бир неча туманидаги оилавий поликлиникалар тажриба тарзида танлаб олинган. Ушбу муассасаларда Вирусология илмий-текшириш институти олимлари ва малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда тиббий-маслаҳат маркази ташкил этилади ва иштирокчилар учун семинар-тренинглар ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, беморларда касалликнинг илк босқичларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида скрининг ишларини самарали ўтказиш учун Ўзбекистон тиббиётига 1,02 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилган.

— Халқаро ташкилотимиз бугунги кунда тўқсонта давлатда гепатит турларини бартараф этиш дастури бўйича фаолият юритиб келмоқда, — дейди “CDAF” фонди бош директори Хомми Разави. — Ўзбекистонда дастур доирасида кўрикдан ўтиш истагидаги одамларга бепул хизмат кўрсатилади. Маълумки, гепатитнинг беш тури мавжуд бўлиб, улар орасида айнан В ва С турлари ўлимга олиб келади. Дастур доирасида аҳоли орасида бу оғир хасталикнинг олдини олиш ва уни даволашга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширамиз. Масалан, кам таъминланган одамлар имтиёзли равишда ва ҳатто бепул дори-дармонлар олиш имконига эга бўлади. Қолаверса, дастурга жалб этилган ҳамшираларга махсус дарслар ўтилди ва уларга планшетлар тақдим қилинди. Ушбу замонавий технологиялар ёрдамида беморлар онлайн рўйхатга олиниб, ташхислар қайд этиб борилади.

**Юлдуз ЎРМОНОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# Жанубий кореялик шифокорлар жиззахлик беморларни тиббий кўрикдан ўтказди

*Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида Жанубий Корея Республикасининг “Ewha Womans University” госпитали шифокорлари беморларни қабул қилди.*

Ушбу акция “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ташаббуси билан уюштирилди.

Профессор-терапевт, профессор-хирург ва профессор-рентгенологлардан иборат кореялик шифокорлар жиззахлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда мурожаат қилганларни тиббий кўрикдан ўтказди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**



Жамшид ЁРБЕКОВ (ЎзА) олган сурат.

# Кун воқеалари

қисқа сатрларда

***Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги олдидан Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани марказида “Нуронийлар маскани” фойдаланишга топширилди.***

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакатимизнинг статистик салоҳиятини ошириш ва миллий статистиканинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

***Республика техник ва амалий спорт турлари марказида спортнинг пневматик қуролдан ўқ отиш тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги ўтказилди. Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилоти тасарруфидаги Ўқув спорт техника клублари ўртасида ташкил этилган ушбу мусобақада 50 дан ортиқ спортчилар “ВП-2” йўналишида беллашди.***

*Фарғона вилояти прокурори томонидан Қўқон шаҳрида оммавий сайёр қабул ўтказилди. Унда 67 нафар фуқаронинг мурожаати тингланди ва 61 ёзма мурожаат қабул қилиниб, аксариятига шу ернинг ўзида ечим топилди.*

***Ўзбекистонлик ўқитувчи Наргиза Курязова АҚШнинг Виржиния штатининг Уолтер Рид кўчасида мўъжазгина болалар боғчаси ташкил этди.***

**«Халқ сўзи».**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 6 ИЮЛДАН 12 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

Хабар

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 19 июндаги 111-сон “Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

**2019 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-2. (2019 йил 1 сентябрдан кучга киради).**

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 1 июлдаги 118-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

**2019 йил 8 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-1. (2019 йил 8 июлдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 26 июндаги 2019-39, 20-сон “Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.

**2019 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2033-3. (2019 йил 11 октябрдан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 1 июндаги 81-сон “Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

**2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-5. (2019 йил 1 сентябрдан кучга киради).**

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 28 июндаги 116-1, 04-25/01-17-сон “Корпоратив бошқарувчи малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қарори.

**2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2755-2. (2019 йил 1 сентябрдан кучга киради).**

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 8 июлдаги 2019-45-сон “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

**2019 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3172. (2019 йил 12 июлдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 3023, 2018 йил 18 июль).

**Адлия вазирининг 2019 йил 12 июлдаги 293-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

***Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

***Нефть ва газ саноати — мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик аҳамиятга эга йўналишларидан бири. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтисодиётнинг барча соҳасини, жумладан, нефть-газ тармоғини янада ривожлантириш, бунинг учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бирор-бир соҳа ўз-ўзидан тараққий этмайди. Бу жараёнда замон билан ҳамнафас, илғор ғоя ва ишланмалар асосида иш юрита оладиган малакали мутахассисларнинг ўрни беқиёс.***

***Бугун иқтисодиётимиз локомотивига қиёслашга арзийдиган нефть-газ соҳаси вакиллари кундалик эҳтиёжларимиз — иссиқлик, ёруғлик ҳамда нефть-газ маҳсулотлари манбаини излаб топиш, қазиб олиш, қайта ишлаш жараёнида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Табиийки, бундай шижоат, аввало, олий таълим муассасаси остонасидан, касбга оид чуқур билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан бошланади.***

***Юртимизда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасалари орасида ўз нуфузи ҳамда салоҳияти билан жамиятимиз равнақига ҳисса қўшиб келаётган И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали соҳага ана шундай етук кадрларни тайёрлаб бераётгани эътиборга молик.***

***2007 йилда иш бошлаган мазкур таълим муассасасида ҳозирги кунда талабаларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Замонавий ўқув бинолари, сўнгги жиҳозлар билан таъминланган амалий машғулот ва лаборатория хоналари, кенг ва шинам аудиториялар, 24 000 дан ортиқ турли йўналишдаги адабиётларга бой кутубхона, спорт мажмуалари ҳамда 210 — 240 ўринга эга иккита талабалар тураржойи шулар жумласидандир.***

***Ушбу таълим муассасаси ўз олдига улкан мақсадларни қўйганки, бу соҳага оид янги инновацияларни яратиш, турли йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий нефть-газ технологияларининг рақобатдошлигини ошириш, энг муҳими, малакали кадрлар тайёрлаш ва уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш каби устувор вазифаларни қамраб олади.***

***Филиалнинг эришган ютуқлари, истиқболдаги режа ва янги лойиҳалари хусусида ушбу муассаса профессор-ўқитувчилари фикрлари билан қизиқдик.***



НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ:

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

## «ФИЛИАЛИМИЗ АЙНАН ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИШ ОЛИБ БОРАДИ»



**Александр МАКСИМЕНКО,**
**Филиал директори, техника фанлари доктори, профессор:**

— Кейинги йилларда олий таълим соҳасида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Биргина Ўзбекистонда икки давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан Россия Федерациясидаги бир қатор олий ўқув юртларининг махсус филиаллари ташкил этилди, ўнлаб қўшма факультетлар фаолияти йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилаётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, филиалимиз 12 йиллик тарихга эга. Ўтган шу қисқа вақт давомида эришган ютуқларимиз кўп. Бу ерда нафақат ўзбекистонлик, балки Москва университетларининг профессор-ўқитувчилари ҳам иш олиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа уларни узоқлаштиргани йўқ, аксинча, мақсадларимиз уйғунлиги ўзаро яқинлаштирмоқда. Буни бошқарув жараёнида ҳам яққол сезиш мумкин. Барча қарор биргаликда, келишилган ҳолда қабул қилиниши ҳам айнан шундан.

Қайд этиш лозимки, жорий йилда филиалимиз учун талабалар танлови 13-маротаба ўтказилди. Шу йилдагиси энг муваффақиятлиси бўлди, десам, адашмайман. Чунки ўқишга кириш истагида ҳужжат топширганлар орасидан энг иқтидорлиларини саралаб олдик. Ўйлайманки, улар келгусида мамлакатнинг нефть-газ соҳасини комплекс ривожлантиришда “олтин фонд” даражасидаги кадрлар бўлиб етишади.

Бундан ташқари, филиалимизда эзгу анъана йўлга қўйилган: яъни ҳар йили энг иқтидорли талабалар “Губкин университети юлдузи”, деган фахрий белги билан тақдирланади. Бу йил 3 нафар битирувчи — Муродулло Норбобоев, Азизжон Ширинбоев (кумуш юлдуз) ва Ирина Тен (олтин юлдуз) ана шундай медалларни қўлга киритишди.

Жорий йилда 144 нафар абитуриент юқори балларни тўплаб, филиалимизга қабул қилинди. Муҳими шундаки, улар ўз мақсадига эга, келгусида шу соҳа тараққиётига ҳисса қўшаман, деган қатъий ниятда келган. Буни танлов жараёнида ҳам яққол кўрдик ва келгусида муваффақиятли ўқиши ҳамда иқтидорини намоён қилиши билан ўз аҳдларини исботлашига ишонамиз.

Қолаверса, жорий йилда геология қидируви технологияси мутахассислиги ҳамда нефть ва газ иши, иқтисодиёт йўналишлари бўйича 260 кишидан иборат квота тасдиқланган эди. Ҳозирги кунда уларда фақат бакалавр йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади. Шундан 30 нафари мақсадли танлов асосида қабул қилинган бўлиб, бу тингловчилар Қарши шаҳридаги ҳудудий тайёрлов бўлимида ўқитилди.

Таҳлилларга кўра, ўқишга кириш масаласида абитуриентлар томонидан 1237 та ариза келиб тушган бўлиб, дастлабки танловнинг ўртача кўрсаткичи 1 ўринга 5 кишини ташкил этди. Иқтисодиёт йўналишига ажратилган 25 ўринга эса 400 та талабнома, яъни ҳар 1 ўринга 16,04 киши тўғри келди. Шундан 375 нафари математика, физика, инглиз тили ва рус тили фанлари бўйича ўтказилган имтиҳонлар натижаси асосида танлаб олинган. Уларнинг 36 нафари эса мақсадли танлов асосида қабул қилинган.

Топширилган ҳужжатлар ҳудудлар кесимида мониторинг қилинадиган бўлса, уларнинг 599 таси Тошкент шаҳрига, 116 таси Тошкент вилояти ҳамда 41 таси Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бошқа вилоятлардан топширилган ҳужжатлар эса жуда кам.



- Ўқув йўналишлари — **7 та;**
- бўлимлар — **12 та;**
- таҳсил олаётган талабалар — **900** дан зиёд;
- битирувчилар — **1000** дан зиёд;
- профессор-ўқитувчилар таркиби — **65** дан зиёд;
- умумий майдони — **37 583** кв.метр;
- ўқув аудиториялари майдони — **15 635** кв.метр;
- ўқув аудиториялари сони — **129 та;**
- компьютер заллари — **11 та;**
- илмий-ўқув лабораториялар — **19 та.**

Қабул комиссиясининг устувор йўналишларидан бири — шаффофликни таъминлашга қаратилди. Қабул бошланган дастлабки кундан эътиборан ота-оналар фарзандларининг ҳужжат топширишдан тортиб, имтиҳон кунига қадар бўлган жараёнларни махсус мониторлар ёрдамида кузатиш имконига эга бўлишди. Бундан ташқари, қабул билан боғлиқ барча маълумот ҳар дақиқада сайтга жойлаштириб борилгани абитуриентларда пайдо бўлган саволларга тезкорлик билан жавоб қайтаришда қулайлик туғдирди.

Қабул жараёнида имтиҳонлардан ўтолмаган талабалар билан ишлаш биз учун жуда қийин кечди. Чунки ҳар бир абитуриентнинг муваффақияти биз учун муҳим эди.

Имтиҳонлар натижаларига кўра, техника йўналишига оид танловда 1 ўринга 1,4 киши, иқтисодиёт йўналишига эса 1 ўринга қарийб 5 киши тўғри келди. Қабул жараёнлари бизда шундай бир хулоса чиқаришимизга замин яратдики, ёшларнинг рус тилини етарли даражада билмаслиги билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, келгусида республикамизнинг барча вилоятида рус тилини мукаммал ўргатишга ихтисослаштирилган тайёрлов курсларини очиш режалаштирилган. Қолаверса, янги ўқув йилидан бошлаб рус тилини ўргатишга қаратилган алоҳида истиқболли лойиҳаларни ҳам ишга туширишни мақсад қилганмиз.

Бизнинг филиал тўлақонли олий таълим муассасаси бўлиб, Ўзбекистонда ва айнан Ўзбекистон учун иш олиб боради. Фаолиятимизнинг барча йўналиши Президент ва ҳукумат томонидан зиммамизга юклатилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарёга қилган ташрифи чоғида Қарши шаҳрида ҳудудий тайёрлов бўлимини ташкил этиш таклифи билдирилган эди. Шундан сўнг барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида топшириқ ўз вақтида амалга оширилди ва энг муҳими, ташаббус тўлақонли ўзини оқлади.

2017 йилда биринчи танловда академик лицейларнинг 3,5 минг нафардан ортиқ битирувчилари иштирок этди. Тест синовлари ва суҳбатлар якунида уларнинг 330 нафари саралаб олиниб, қабул қилинди. Улар тўққиз ой давомида математика, физика ва рус тили фанларидан тайёргарлик кўришди. Ўтган йили илк марта 40 нафари асосий филиалимизга танлов асосида ўқишга қабул қилинди. Бу йил эса 30 нафари мақсадли танловга йўналтирилди. Айни кунда ҳам бу борадаги ишларни ривожлантириш устида иш олиб боряпмиз.

## ИЛМИЙ ИННОВАЦИЯЛАР ЙЎНАЛИШИДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



**Абдулла МАГРУПОВ,**
**Филиалнинг ижрочи директори,**
**педагогика фанлари доктори, профессор:**

— Ўтган йили Бутунжаҳон нефть кенгаши нефть-газ соҳасида таҳсил олиш мумкин бўлган дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртлари рейтингини эълон қилган эди. Унда МДҲнинг 16 та мамлакати орасидан И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети тилга олинганди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали шу кунга қадар мингдан ортиқ мутахассисларни етиштириб чиқарди. Айни пайтда эса бу ерда 900 нафардан зиёд талабалар 7 та йўналиш бўйича таҳсил олмоқда.

Эътиборлиси, филиалнинг фаолияти ва салоҳияти давлатимиз томонидан юксак баҳоланяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фармойишига мувофиқ, мамлакат нефть-газ саноати учун малакали мутахассисларни тайёрлашга қўшган ҳиссаси учун “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Бугунги кунда асосий вазифаларимиздан бири, бу — битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласидир. Мазкур йўналишда олиб бораётган ишларимиз ҳам диққатга сазовор. Филиал битирувчиларининг барчаси ёнилғи-энергетика комплексларининг маҳаллий ва хорижий компанияларида меҳнат қилишаётгани фикримиз тасдиғидир. Мисол учун, улар “Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамияти, Қашқадарё вилоятида синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган завод ҳамда “Лукойл Узбекистан Оверсиз Компани” МЧЖ, “EriellGroup”, “EnterEngineering PTE Ltd.” каби хорижнинг машҳур компанияларида меҳнат қилмоқда.

Филиалимизда талабаларнинг илмий инновациялар йўналишидаги ҳар қандай ташаббуслари, изланиш ва интилишлари қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, уларнинг назарий билимларини амалий машғулотларга узвий ҳолатда мустаҳкамлашга ҳам эътибор берилади. Чунончи, биринчи босқич талабаларимиз ҳам амалиётга жалб қилинадики, бу фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада доим кўмаклашишга шай турган ҳамкор ташкилотларимиз мавжуд. Хусусан, талабаларимиз “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти, “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” масъулияти чекланган жамияти, “Шўртан газкимё мажмуаси” ва бошқа нуфузли йирик компанияларда амалиёт ўташади.

Айнан ушбу корхоналарнинг базасида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш билан боғлиқлигини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилган, дастурларимизга улардаги технологик янгиланишлар, ахборот технологиялари тўлиқ жорий этилган. Яқинда яна бир гуруҳ талабаларимиз Қашқадарё вилоятига юборилди. Бу ерда ёшларимиз қазиш устаси ёрдамчиси ёки электр чилангари каби касб-корларда амалиёт ўтайди.

Бундан ташқари, “Талабалар илмий жамияти”, “Нефть муҳандислари жамияти” каби жамоатчилик бирлашмалари самарали иш олиб бормоқда. Улар талабаларнинг ўқув режа ва дастурлардан ташқари, материалларни ўрганиш, истиқболли лойиҳалар устида ишлаш, ижодий қобилиятларини янада ривожлантириш, аспирантлар, ёш олимлар ва бошқа талабалар ташкилотлари фаолиятини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, филиал Ўзбекистондаги халқаро интернет олимпиадаларини олиб бориш, Федераль интернет имтиҳонларини ўтказиш учун асосий платформа ҳисобланади. Бу йил физика, статистика, иқтисодиёт, экология, назарий механика, кимё, математика, информатика каби 9 та фан бўйича очиқ Халқаро талабалар интернет олимпиадаси ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, филиал талабалари 22 та медални қўлга киритди.

ФОИТ (Федераль онлайн-имтиҳон тести) — бу ҳам талабаларнинг билим савиясини текширувчи яна бир ўзига хос кўрсаткич бўлиб, олий таълим муассасасининг қанчалик рақобатбардош эканлигини белгилаб беради. Федерал давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, бакалавриат битирувчиларини баҳоловчи мустақил тизим саналади. Жорий йилда Россия ва МДҲнинг 53 минтақасидан 110 дан ортиқ олий ўқув юртлари талабаларининг энг яхши натижаларини эълон қилди. Булар орасида филиалимиз талабалари 6 олтин, 7 кумуш, 4 бронза медални қўлга киритди. Бу натижа 8 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олаётган марказий университетдаги кўрсаткичлар билан деярли бир хил экани қувонарлидир.

Бизда талабаларнинг битирув диплом ишларини ҳимоя қилиш онлайн режимида ташкил этилади ва имтиҳон комиссияси аъзолари сифатида тармоқдаги йирик ташкилот ва компанияларнинг раҳбарлари киритилади.

Қувонарлиси, талабаларимизнинг кўпчилиги Москвадаги асосий университет ва бошқа нуфузли таълим муассасаларида магистратура босқичида ҳам таҳсил олишмоқда. Улар орасида Мирзаанвар Аҳмедов, Геодезия ва геофизика разведкаси технологияси кафедраси мудири Ҳаёт Ибрагимов Шотландиянинг Эдинбург университетида магистратурада ўқигани ҳам ютуқларимиздан биридир.

Филиалнинг моддий-техника базаси ҳақида ҳам ижобий фикрларни айтиш мумкин. Мисол учун, ўқув, амалий ва лаборатория хоналари сўнгги русумдаги компьютер ва мультимедиа техникалари билан жиҳозланган. Бу таълим-тарбия жараёни, ўқитувчи-профессор ҳамда ходимлар иш фаолиятини самарали ташкил этиш учун оптимал шароит яратиб бермоқда.

Шунингдек, муассасамизнинг кўп функцияга эга инновацион “АМТ-231” бурғилаш тренажёр-имитатори ишлаб турибди. Талабалар мазкур илғор технология ёрдамида ўқув дастурини сифатли ўзлаштиряпти, нефть ва газ қудуқларини бурғилаш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнини ўрганиб келишаётир.

## СТРАТЕГИК ЛОЙИҲАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

**Элзара ЮЗЛИКАЕВА,**
**ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари,**
**педагогика фанлари доктори, профессор:**

— Ўзбекистонда ёшларнинг таълим сифатини оширишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади. Стратегик вазифалар қаторида таълимнинг ривожланиш нуқтасини халқаро даражага олиб чиқиш, инсон капитали ўсишини таъминлаш каби мақсадлар белгилаб олинган. Уларни муваффақиятли амалга ошириш эса мамлакатнинг келажакдаги истиқболи, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларнинг барқарор ўсишини таъминлайди. Ушбу жараёнда Россия Федерацияси билан самарали илмий ҳамда таълим ҳамкорлиги ҳам катта роль ўйнайди.

Шу маънода, И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиали соҳа учун профессионал кадрларни тайёрлаш, замонавий методлар асосида пухта билим бериш ва истеъдодларни кашф этишда ўз ўрнини топган.

Филиал раҳбарияти жамоаси ва талабалари мамлакат Президентининг беш муҳим ташаббусини амалга оширишда ҳам фаоллик кўрсатиб келаётир. Бу ерда қизиқарли ва креатив ижодий лойиҳаларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Талабаларни китобхонликка, спорт ва санъат, маданиятга қизиқтириш, компьютер технологияларини кенг жорий этиш борасидаги ишларимиз ҳам диққатга лойиқ.

Биздаги ижодкорлик муҳити қуруқ сўзлар билан эмас. Бунинг учун аниқ далиллар бор: чунки филиалимизда кўплаб тадбирлар, масалан, “ҚВЗ”, “Нима?, Қачон?, Қаерда?” каби танловлар, ижодий фестиваллар ҳам ташкил этиб келинмоқда.

Филиалда “Биз байрам яратамиз!” шиори остида “Талабалар ижодий иттифоқи” фаолият олиб боради. Унда талабалар ўзларининг ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён қилишади. Бу эса уларни малакали кадрлар сифатида ҳар томонлама шакллантириш учун имкон яратади.

Яқинда очилган “Рандеву” театр студияси Н. Гоголнинг “Никоҳ” номли асарини саҳналаштирди ва бу билан талабаларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган Республика театршунослик фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

Муассаса ўқитувчилари ва талабалари учун жисмоний тарбия



ҳамда спорт билан шуғулланиш ҳар кунлик машғулотларига айланган. Мунтазам равишда турли масофага югуриш, велопойгалар ташкил этилади.

Биргина мисол, жорий йилда футбол бўйича аёллар жамоаси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг тажрибали мутахассисларини ҳам мағлубиятга учратди. Эркаклар жамоаси эса баскетбол ҳамда волейбол бўйича 2019 йилги чет эл олий таълим муассасалари ўртасидаги ўйинларда энг кучлилар сафидан жой олишди. Келгусида нефтни ривожлантириш бўйича муҳандислар ва геофизиклар экологик марафонларда ҳам иштирок этишади. Ушбу тадбирлар нафақат соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ички туризмни ривожлантириш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, балки атроф-муҳитга муҳаббатни тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Филиалда йил давомида талабаларнинг маънавиятини юксалтириш ва иқтидорини рағбатлантириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар ҳам доимий ташкил этиб борилади. Мамлакат Президентининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида филиал маъмурияти томонидан пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларига турли адабиётлар ва китоблар тақдим этилди. Янги ўқув йилидан бошлаб, бошқа таълим лойиҳалари қаторида янги мобил кутубхоналарни, талабалар тураржойларида ҳам ана шундай зиё масканларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Келгусида “Тасаввур” деган лойиҳани татбиқ қилиш ҳам режалаштирилмоқда. Бу ерда талабалар билан маданият ва санъат соҳасининг етук намоёндалари учрашувлари ташкил этилади. Пировардида ўзаро ижодий режалар, масалалар ва долзарб муаммоларни муҳокама қилиш имконияти яратилади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 18.00 Топширилди — 20.45 1 2 3 4 5 6